

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

243 Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда. Хусусан:

биринчидан, республика, ўрта ва қуйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида

асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишнинг пировард натижаси учун шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштирмоқда;

иккинчидан, амалдаги ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситалардан оқилона фойдаланишни таъминламаяпти, оқибатда марказий ва ўрта бўғиннинг баъзи хизматларида етарли иш ҳажми бўлмай туриб, керагидан ҳам ортиқча штат бирликлари сақланиб турган бир пайтда, қуйи бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланишига олиб келмоқда;

учинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолмоқда, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаяпти;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаяпти, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имкони бормаяпти;

олтинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар кўрилмаяпти;

еттинчидан, ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жиноий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаяпти;

саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайди, порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди;

тўққизинчидан, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси кониқарсизлигича қолмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган

вазифаларга мувофиқ, шунингдек ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;

иккинчидан, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;

учинчидан, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама қўмаклашиш;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмиятчилик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш;

еттинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;

саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

тўққизинчидан, ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

ўнинчидан, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш.

2. 2017 йил 1 октябрдан қуйидаги тартиб ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари томонидан ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилади;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ҳисоботлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилади.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшитилаётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан кўрилатган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолайиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

3. Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси негизда — Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси;

Эксперт-криминалистика маркази ва Эксперт-портлатиш техникаси маркази негизда — Эксперт-криминалистика бош маркази;

Молия-иқтисодиёт бошқармаси, Моддий-техника таъминоти бошқармаси, Хўжалик бошқармаси, Капитал қурилиш бошқармаси негизда — Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси;

Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг Халқаро ҳамкорлик бўлими ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўлими негизда — Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар:

Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментига;

Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати Кадрлар бош бошқармасига;

Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармасига;

Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига;

Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармасига;

Котибият Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасига;

Алоқа бўлими Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасига;

Транспортдаги ички ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасига, тармоқ ички ишлар бошқармалари (бўлимлари, бўлинмалари) транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларига;

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти Ҳарбий-техника институтига; Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби Ёнғин хавфсизлиги институтига; сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларига ўзгартирилсин.

5. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи лавозими жорий этилсин ва у профилактика инспекторлари ишини, авваламбор, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар бўлиши белгилансин.

6. Қуйидаги устувор йўналишлар назарда тутилган Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар;

ички ишлар органларининг фаолиятини очиқ ва ошкора, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмларини жорий этиш, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ички ишлар органларининг моддий-техника базаси, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй-жой-маиший шароитларини янада яхшилаш.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш бўйича Махсус комиссия 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия (А.А. Азизов):

вазирлик ва идоралар мутахассислари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг етакчи олимлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари жалб қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини тузсин ва уларнинг самарали иш олиб боришини ташкил этсин;

қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти чуқур танқидий таҳлил қилинишини ва илғор хорижий тажриба ўрганилишини, шу асосда Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланишини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари изчил ва сифатли тайёрланиши, ўз вақтида кўриб чиқилиши ва белгиланган тартибда киритилишини, шунингдек бошқа тадбирлар амалга оширилишини доимий назорат қилсин.

8. 2025 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастур тадбирларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, техника, алоқа тизими ва воситалари, дастурий таъминот маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий-техник восита ва ресурслар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувлари учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ҳафта муддатда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ички ишлар органларининг янги ташкил этилаётган бўлинмаларини жойлаштириш, жиҳозлаш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини инobatга олган ҳолда тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 10 апрель,
ПФ–5005-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги
ПФ—5005-сонли Фармонига
1-ИЛОВА

**Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мўддати	Масъул ижрочилар
1. Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал ўзгартiriшлар				
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари				
1.	Ички ишлар идоралари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари фаолияти самардорлигини куйдаги йўналишлар бўйича ошириш: барча даражалардаги бўлимларнинг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, профилактика инспекторларига хос бўлмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўймаслик; ишчи аҳоли ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш; вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашнинг таъсирчан тизимини яратиш; таянч пунктлари жойлашувини ҳудуддаги криминотен вазият, аҳоли сони ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси	2017 йил 20 апрель	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Бош прокуратура (М. Азизов), Молия вазирлиги (Ж. Қучқаров)
2.	Ички ишлар органларининг жиноятлари тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини куйдагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш: суриштирув ва дастлабки терговни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз ривож этган ҳолда жиноятларни ўз вақтида, ҳар томонлама тергов қилиниши ва тўлиқ очилишини таъминлаш; терговчиларнинг процессуал мустақиллигини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишда аралашувларга йўл қўймаслик; илгор криминалистик ва илмий-техник воситалар, ишлашнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этиш;	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси	2017 йил 1 май	Ички ишлар вазирлиги (А. Бобохонов), Бош прокуратура (М. Азизов), Молия вазирлиги (Ж. Қучқаров)

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
3.	<p>ички ишлар органлари тузилмасида суриштирув, уларнинг ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлиmlари (булин-малари, турух-лари)ни ташкил этиш;</p> <p>ички ишлар органлари эксперт криминалистик бўлинмалари фаолияти самардорлигини ошириш.</p> <p>Ички ишлар органлари жиноят қидирув, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмалари фаолиятини куйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш:</p> <p>жиноятларни тез ва тўлиқ аниқлаш, очиш, қидирув ишларини амалга оширишни таъминлашнинг самарали тизimini яратиш;</p> <p>барча даражалардаги бўлинмаларнинг вазифалари, функция-лари ва жавобгарлигини аниқ четаралаш, тезкор ходимларга хос бўлмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўймаслик.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси</p>	2017 йил 10 май	<p>Ички ишлар вазирлиги (Д. Назармухамедов), Бош прокуратура (М. Азимова), Молия вазирлиги (Ж. Кучкароев)</p>
4.	<p>Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ва жамoат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини куйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш:</p> <p>барча даражалардаги бўлинмаларнинг вазифалари, функция-лари ва жавобгарлигини аниқ четаралаш, тақрорланувчи ва долзарблигини йўқотган ваколатларни чиқариб ташлаш;</p> <p>бўлинмаларнинг тезкорлиги ва самардорлигини таъминловчи моддий-техник жиҳозланиши даражасини мустаҳкамлаш;</p> <p>замонавий илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан давлат хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида кенг жорий этиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси</p>	2017 йил 15 май	<p>Ички ишлар вазирлиги (Д. Назармухамедов), Бош прокуратура (М. Азимова), Молия вазирлиги (Ж. Кучкароев)</p>
5.	<p>Ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмий-лаштириш бўлинмалари фаолиятини ташкил этишнинг самарали механизmlарини куйидаги йўллар орқали яратиш:</p> <p>кадрларни жой-жойига куйишни оқилона ташкил этиш, амалда бажариладиган иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда асосий вазифа ва функцияларни ходимлар орасида аниқ тақсимлаш ва чета-ралаш;</p> <p>миграция ва фуқароликни расмийлаштириш жараёнларининг таъсирчан мониторингини амалга ошириш, ноқонуний миграция ва у билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашиш;</p> <p>фуқароларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш имконини берувчи ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси</p>	2017 йил 20 май	<p>Ички ишлар вазирлиги (Д. Назармухамедов), Бош прокуратура (М. Азимова), Молия вазирлиги (Ж. Кучкароев)</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
6.	<p>Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари фаолиятини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш: ахборот технологияларини қўллаш самарадорлигини ошириш ҳамда самарасиз хизматларни тугатиш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари штаблари сонини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш;</p> <p>йўл-транспорт инфратузилмаси ҳолати ва йўл-транспорт ҳоли-салари, ҳуқуқбузарликлар, йўлларнинг бандлиги тўғрисидаги маълумотлар таҳлили мониторингини кучайтириш, инфратузил-мани такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриш;</p> <p>йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш шакли ва услубларини янада такомиллаштириш, илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва ушбу соҳага жорий этиш; илмий-техника воситалари ва ахборот технологиялари қўл-ланилишини кенгайтириш ҳисобига кўрсатилаётган давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси</p>	<p>2017 йил 25 май</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги (И. Назармухамедов), Бош прокуратура (И. Эргашходжаев), Молия вазирлиги (Ж. Кучкаров)</p>
7.	<p>Ички ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлимлари фаолиятини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаш-тириш:</p> <p>Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси таркибида автоматлаш-тирилган бошқарув ҳамда ёнгинлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминловчи куч ва воситаларни мувофиқлаштириш марказлари, шунингдек ахборот тизимлари, ресурслари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа марказларини ташкил этиш;</p> <p>ёнгин хавфсизлиги инспекторлари лавозимларига офицерлар таркибидан тайинлаш йўли билан ушбу лавозимларни жамлаш тартибини ўзгартириш;</p> <p>ёнгин хавфсизлиги инспекторлари учун хизмат мажбурийат-ларини самарали бажаришларини таъминловчи ҳамда касбий-техникавий ва ҳуқуқий тайёрликнинг юқори даражасини назарда тутувчи малакавий талабларни жорий этиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси</p>	<p>2017 йил 1 июнь</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Бош прокуратура (И. Эргашходжаев), Молия вазирлиги (Ё. Турсунов)</p>
8.	<p>Ички ишлар органлари жазони ижро этиш тизимини ислоҳ қилиш, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутиш: Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва унинг муассасалари штаблари сонини мақбуллаштириш;</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси</p>	<p>2017 йил 5 июнь</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги (А. Бобохонов), Бош прокуратура (И. Эргашходжаев), Молия вазирлиги (Ё. Турсунов)</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	озодликдан маҳрум этилган шахсларни қайта тарбиялаш ва кейинги ижтимоий мослашуви жараёнини сифат жиҳатдан яхшилаш; жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш; жазони ижро этиш муассасалари фаолияти самаралдорлигини ошириш бўйича чоралар кўриш; жазони ижро этиш тизими фаолиятига уларнинг иш самаралдорлигини ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.			
9.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшнилари фаолиятини куйидагилар орқали янада такомиллаштириш: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшиллари бош бошқармаси туърасидаги янгиланган низомни тасдиқлаш; мазкур бўлинмалар ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш тизimini такомиллаштириш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси	2017 йил 5 июнь	Ички ишлар вазирлиги (А. Бобохонов), Бош прокуратура (И. Эргашходжаев), Молия вазирлиги (Ж. Кучкароев)
10.	Ички ишлар органлари кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини куйидагиларни назарда тутган ҳолда тубдан такомиллаштириш: барча даражалардаги ушбу бўлинмаларнинг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, шу жумладан вазирликнинг кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги вазифаларини жойларга бериш; мазкур бўлинмаларнинг мувофиқлаштириш, таҳлилий ва услубий ишларини кучайтириш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси	2017 йил 5 июнь	Ички ишлар вазирлиги (А. Мирзаев), Бош прокуратура (У. Султанов), Молия вазирлиги (Ё. Турсунов)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари				
11.	Ички ишлар органларининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бўлинмалари фаолиятини куйидагиларни назарда тутган ҳолда янада такомиллаштириш: вазирлик ҳузурида маъмурий тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш, давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш ва уларни электрон шаклга ўтказиш бўйича долний фаолият кўрсатувчи комиссия ташкил этиш; ички ишлар органлари учун телекоммуникация соҳасидаги хизмат тарифлари бўйича имтиёزلарни белгиланган ҳолда ахборот	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2017 йил 1 май	Ички ишлар вазирлиги (Р. Эргашев), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), Ахборот технологиялари вазирлиги (Ш. Шерматов)

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	тизимларнинг ягона интеграторини, маълумотлар базасини ва телекоммуникация тармоқлари операторини белгилаш.			
12.	Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюроси фаолиятини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш: Халқаро жиноят полицияси ташкилоти — Интерпол каналларидан халқаро терроризм, одам савдоси, ноқонуний миграция, ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни очиб, шахсни идентификациялаш масалалари бўйича фойдаланиш самарадорлигини ошириш; Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюроси тўғрисидаги низомни янгилаш ва тузилмани мақбул-лаштириш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2017 йил 10 май	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Бош прокуратура (М. Азизов), Ташқи ишлар вазирлиги (Д. Хакимов)
13.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш бош бошқармаси фаолиятини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда тубдан такомиллаштириш: Қўриқлаш хизматидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида объекتلарни қўриқлаш ва бошқа хизмаглар учун амалдаги тўловлар миқдорини камайтириш; ҳодимлар ва бўлинмалар ишини баҳолаш нормативлари ва мезонларини белгилаш; идоравий қўриқлаш бўлинмалари устидан назорат қилиш тартибини белгилаш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2017 йил 1 июнь	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Бош прокуратура (У. Суннатов), Молия вазирлиги (Ж. Кучкаргов)
3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг қарорлари				
14.	Халқаро ҳамкорлик бошқармасига ички ишлар органларининг халқаро-хуқуқий ҳамкорлик соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича вазифаларни юклаган ҳолда унинг фаолиятини самарали ташкил этиш механизmlарини яратиш.	Ички ишлар вазирлигининг буйруғи	2017 йил 30 апрель	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов)
15.	Ички ишлар органларининг ташкिलий-назорат ва таҳлилий фаолиятини такомиллаштириш.	Ички ишлар вазирлигининг буйруғи	2017 йил 1 май	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов)
16.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг юрidik таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларни тайёрлаш: норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама ва сифатли хуқуқий экспертизадан ўтказишни таъминлаш, қонунийликни такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифлар тайёрлаш;	Ички ишлар вазирлигининг буйруғи	2017 йил 15 май	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов)

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда қуйи турувчи бўлиналар фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни ташкил этиш; қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ички ишлар органлари ходимларига, уларнинг ҳуқуқий нормаларни билмаслиги ва турлича талқин қилишини истисно этиш мақсадида, етказиш бўйича самарали тизимни яратиш.			
17.	Транспортдаги ички ишлар органлари бўлиналари фаолиятини ташкил этишнинг самарали механизмларини яратиш.	Ички ишлар вазирлигинг бўйруғи	2017 йил 20 май	Ички ишлар вазирлиги (Д. Назармухамедов)
18.	Ички ишлар органлари моддий-техника таъминоти бўлиналари фаолиятини ташкил этишнинг ички ишлар органлари тизимини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга марказлашган ёндашуви назарда тутувчи самарали механизмларини яратиш.	Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма қарори	2017 йил 1 июнь	Ички ишлар вазирлиги (Р. Эрсаниев), Молия вазирлиги (Ё. Турсунов)
19.	Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят ички ишлар бошқармалари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлиmlарининг намунавий тузилмалари асосида тегишли вилоят ва туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ташкилий-шғат тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш.	Ички ишлар вазирлигинг бўйруқлари	2017 йил 10 июнь	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев)
20.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлиналари янги штаглар-жалвалларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	Штаглар-жалваллари	2017 йил 30 июнь	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев)
II. Ички ишлар органларининг фаолиятини ошиқ ва ошқора, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этиш				
I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари				
21.	2017 йил 1 октябрдан: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан йилга икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш ҳолати юзасидан ҳисоботини; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳар чоракда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирли, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳамда	Қонун лойиҳаси	2017 йил 10 август	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Олий Мажлис Сенати (келишув бўйича) (С. Армиқова), Бош прокуратура (У. Суниатов), Адлия вазирлиги (М. Икромов)

Т/р	Табирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоб-ларининг; халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг, ҳар ойда уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари ҳисоботларини эшитиш тартибини жорий этиш.	Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2018 йил 10 январь	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), Адлия вазирлиги (М. Икромов)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳужжатлари				
22.	Ички ишлар органлари фаолиятининг ислоҳ қилиниши муно-сабати билан қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси	2017 йил 20 октябрь	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Мудофаа вазирлиги (К. Бердиев), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев)
24.	Ички ишлар органлари ходимларининг махсус кийим-боши, атрибутикаси ва фарқловчи белгиларини халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда янгилаш ва унификациялаш, шунингдек фуқаролар онгида ички ишлар органлари тўғрисида ижобий тасаввурни шакллантириш мақсадида қайта кўриб чиқиш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси	2018 йил 1 июль	Ички ишлар вазирлиги (А. Мирзаев), Бош прокуратура (М. Азимов), Молия вазирлиги (Ж. Кучкароев)
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари				
25.	Ички ишлар органлари тегишли бўлинмалари таъминотида турадиган махсус воситалар рўйхатини ишлаб чиқиш ва киритиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси	2017 йил 20 июнь	Ички ишлар вазирлиги (Р. Эргашев), Молия вазирлиги (Ё. Турсунов)
26.	Террористик ҳаракатлар натижасида жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси	2017 йил 20 июнь	Ички ишлар вазирлиги (А. Азизов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадманов), Адлия вазирлиги (М. Икромов), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев)
